ски, духовно, умственно, нравственно, физиологически, конечно физически с полным восстановлением здоровья. Потом только можно проводить бракосочетание молодых. Соблюдать правильность психологии и физиологии всей беременности, правильность питания. Вот тогда родиться ребенок нужный для будущего нации и народа. После брака мужчина может переходить в обычную жизнь после 42 дней, а женщина, родив и воспитывая ребенка до трех лет должна соблюдать все эти правила. После рождения, до пяти лет строго беречь психическое развитие ребёнка. Этому ребенку не будет нужды в дополнительном воспитании, дополнительной помощи в учебе. У него не будут плохих черт, имеющихся у 90% населения. У этого ребенка будут доброе слово и добрая мысль (что должно быть основным содержанием жизни у каждого человека, так считали зороастрийцы. Согласно зороастризму, человек сам выбирает себе дорогу, сам решает, чью сторону принять, кого защищать – в этом важную роль играет родительская кровь заложенная в его душе ребёнка. Человек за шесть месяцев до вступления в брак и женщина во время беременности должны правильно питаться, употреблять в день десять фисташек, орехи, айву. Овощи и фрукты должны быть природными и удобряться натуральными удобрениями. Перед тем как будем употреблять мясо мы должны знать, чем питалось животное, как вел убой мясник, убой должен быть моментальным. Во время убоя если животное выплескивало адреналин, то это мясо не стоит

употреблять.

## ЎТМИШДАН САДО

Амир Бухородан доим келишидан бир ойлар олдин жарчилар Шаҳрисабзга келиб қишлоқ-ма қишлоқ юриб Амир бир ойдан кейин келишини ва шу куни халқ Шаҳрисабз қалъаси ичида йигилишини халққа эълон қилиб кетаркан. Бутун Шаҳрисабз беклигига қарашли барча эркаклар қалъа ичида айтилган кун йиғилишаркан. Амир Кешга Қарши дарвозасидан кириб келар ва отдан тушиб қўлини кўкрагига қўйиб Оқ сарой қароргохига пиёда ўтар экан. Икки ёнида хатга тушурувчилар, қоғоз қалам билан одамлар ёндан юрар экан. Амир бир ўнг томон, бир чап тарафига қараб салом берар ва одамлар орасидан териб-териб одамларни исмини ва қишлоғини сўрар, Амирни ёнидагилар буларни исмини ва қишлоғини қоғозга тушириб боришар экан. Қароргохга етгунича 200-250 одам рўйхатга олинар экан.

Амир Оксарой қароргохига кириб икки соат дам олгандан кейин, рўйхатга олинганларни бирин кетин чақириб, уларни ойлави ахволи, нечта боласи борлиги, қанча ботмон ери борлиги, оти, қора моли, қўй эчкиси, боғи, ҳақида сўрар экан. Рўйхатга олинганлар билан гаплашиб чиқар экан кегин юзбоши, мингбошиларни ва бекларни чақириб, хар битта сухбат қилинган одамнинг ахволи хақида улардан қайта сўрар экан. Масалан: Мелибой Вардондан бешта боласи бор экан, оти йўқ, сигир йўқ, бир ботмонлиг ери бор, беш қўйи бор.

Бугундан бошлаб ҳар боласига икки ботмондан ер, оиласига битта от, иккита сигир ва битта обживоз берилсин, – деб фармон берар экан. Фармон, амир кетганигача бажарилиши шарт экан. Шуинг учун беклар, амалдорлар халқини ичида камбағал бўлишини ва қийналаётганлар бўлмаслигига харакат қилишар экан.

## ЙЎЛДОШ ОҲУНБОБОЕВ
## 1942 ЙИЛ, КИТОБ БОЗОРИ, МАЙ ОЙИ

Халқ ўртасида табуреткада Йўлдош ота Охунбобоев ўтирар эдилар, олдиларида бир тахтали столчада чойнак, пиёла ва иккита нон қуйилган эди. Йўлдош ота халқ билан сухбат қилар эдилар.

Тушунишимча ҳаммадан оилавий ахволи, нима кийнаёттани ва ҳоказоларни сўрар эдилар. Сухбат чоғида бир киши келиб, -Йўлдош ота, кечиринг хабарсиз қолибман, деганди. (Бу одам Рахматуллаев асли Тошкандлик район ижроя қўмитаси раиси эди).



(фото из личного архива)

Тўҳтанг, Рахматуллаев, мен хозир Хазрати Халким билан сухбатлашяпман, сиз билан биз, шу азиз халқнинг қулларимиз иккаламиз кейин гаплашамиз, – дедилар.

Халқ билан мулоқотни тугатиб рулда ухлаётган шофер ол-

дига бориб, елкасига қоқиб уйғоттиларда, – Уғлим энди сиз ишлайсиз, мен дам оламан, -деб олдига утирдилар.

Бу одамнинг сиймоси, нурли юзи абадий кўзим олдида қолди, -деб сўзлаб берди Юсуф ота.

**ФАРИШТА АЁЛ**

Қиш. Хаммаёқ оппоқ қор. Бешинчи синифдаман. Биринчи дарс немис тили. Дарс бошланганидан бир оз вақт ўтиб эшикни таққиллатиб, рухсат сўраб бир аёл кирди. Саломлашди. Ўқитувчимиздан рухсат. сўраб голланд печкаларини ушлаб кўрди, ичини очди, кулдонни кўрди. Кегин болаларни кийми, усти боши ва оёқ киймиларини кўриб чикди. Катта танафусда нималар ейшимизни сўради. Ўшанда уч тийинлик картошкали бўғирсок олиб ердик. Деярли ҳаммага эътибор бериб чиққан аёл эшикнинг олдига борди. Ўқитувчимиз ўтирган жойидан хайрон ҳолда қараб турарди. Эшик олдига бориб, – Ким экан деб хайронсизлар, мен Насриддинова ман, Тошкент шахридан сиз-

ларни холатларингизни кўриб кетай деб келеандим,– деди.



(фото из свободного ресурса)

Ўқитувчимиз шу йили янги келган 120 килограмлик Флора опа эди, ирғиб ўрнидан турди ва, – Мен директорни чақирай, -деб қалтираб колди. Қизим, -деди Насритдинова, -дарсингизни ўтаверинг, бошқа синифларни кўраман, директорни ҳам ишдан қолдирмай, кейин ўзим топиб оламан, -деб чиқиб кетди.

## МЕНИНГ АЗИЗ УСТОЗИМ.

Қашқадарё вилятининг соғлиғини саклаш бошкармасининг бошлиғи. Акбаровнинг сўзларини ёзаман. «Аввало ўзингни покиза, рост-гўй, оқибатли, адолатли, фаол инсон килиб тарбия қилгин, кегин албатта узингни оила азоларингни, кейин ишлаган жамоангни, кучинг етса бутун шаҳрингни ва тангри имкон берса, бутун халқингни».

## ОФАТ

Офат келса, – яхши-ёмон бирга кетади дейдилар. Пахта ишида қўшиб ёзишлар, порахўрлик, ишлаб чиқаришни суслаштириш, давлатни ва халқнинг мулкини ўзлаштириш, жиноий ишларни очилмасликлар оқибатида кўпгина яхши инсонларимиз, ўзбек миллатимизни обрўгини кўтариб юрганлар хам жазоланган, шулардан бири Нормўмин Туропов, бир мажлисда, деди, -

“-Ҳар йўналишда фақат хақиқат ва қонунчиликка таянинг. Билингки халқ хатто пайпоғингзни кир ва тозалигини билади. Халққа сиз тўғри муомилада бўлинг, ҳурматини билинг, чунки халқ ҳалол ишлаб сиз билан бизни боқади, жонини фидо қилиб яшайди”.

Биз синифдошим Нуриддин билан Қаршидан Китоб шаҳрига қараб Нуритдинни қизил москвич машинасида кетаётган эдик. Чироқчига яқинлашганимизда олдимиздаги вилоятни партия куммитасининг биринчи котиби Н. Туроповнинг мошинаси кўринди. Биз ошиб кетмасдан орқасидан кетавердик. Шофер қўлини чиқариб утинглар деб ишора қилди. Синифдошим Нуритдин Қарши сут камбинатида бош мухандис эди, Туропов уни танир эди, шунинг учун ўтиб кетишга жазм қилмади. Енгил машиналар бизни йўлда қувиб ўтиб олдимизда обком секретарини машинасини кўриб орқага қайтишар эдилар, шу холда 3-4 киллометр юрдик. Олдимиздаги кора волга тўхтади. Орка эшик очилиб Туропов чиқтида бизга қараб юрди, бизлар ҳам машинадан тушиб саломлашдик. Орқамизда йигирматача машиналар ҳам тўхташди, улар хам машинадан чиқиб олди- мизга қараб юриб келишди. Туропов ҳамма билан саломлашиб чиқтида, -Уртоқлар мен олтмиш киллометрдан зиёд тезликда юрмайман, сизларни эса зарурли ишингиз бордир, қувиб ўтиб кетаверинглар, бундан кейин ҳам йўлда учрашсак бемалол ўтинглар, -деди. Ҳамма тухтаган машиналар ўтиб кетмагунча машинасига ўтирмади.

## УЛУҒ ИНСОН

Аслида бобоси Шахрисабзлик булган инсон хақида эсламоқ- чиман.

Иккинчи жахон урушини бошида Ўзбекистондан кетадиган аскарлар билан бирга ун тўрт ёшлик бола ҳам поездга чиққади. Оренбург шаҳрида аскарларни санаб текшираётганда болани тушуриб Тошкентга кетадиган поездга қайтариб юборишади. Тошкенга келиб бу ўсмир Сталинга, -

“Ёшим ўн тўртда бўлса ҳамда жасадим урушга кетадиган аскарлардан қолишмайди. Мени аскарликка қабул қилишсин, Ватанимни химоя қилмоқчи ман”. – деб ёзади. Бир ой ичида Сталиндан жавоб хатини олади.

“Ўғлим Тошкентда танк завод қурамиз, сен уша ерда ишлаб ғалабамизга ўзингни катта ҳиссангни қўшасан”, – деган жавоб келади. Йигитча заводга кириб ишлайди ва бир йил ўтиб олган маошига танкни сотиб оладида, урушга жўнатади. Танкда, -“Рафик Нишоновдан ғалаба учун”, – деб ёзилган эди. Урушдан кейин кўплаб юқори лавозимларда ишлайди. Доим элчи қилиб жўнатиларди. 1987 йилда Ўзбекистон марказий компартияси-

га биринчи секретари этиб тайинланади. Узбекистон равнақи учун кўп ишлар қилди.



Рафик
Нишанович
Нишанов

(фото из свободного ресурса)

Энг биринчи қилган иши Москвага бориб беш ярим миллион тонна пахта етиштириш имкониятимиз йўқ, – деб тўрт ярим миллион тоннага планни тушуриб келади. Рафик Нишонов бу ҳақда телевизордан уз халқига элон қилганди. Кейин Москвада миллатлар Советининг райиси лавозимига тайинланди. Рафик Нишоновни саксон ёшлик юбилеини хақаро миқёсида нишон- лаб Т.В. марказдан олиб кўрсатилди.Бу доно,камтарин халқига садоқатли, покиза инсон кўз олдимизда туради.

**РИВОЯТ**

Бухоро шаҳри қозисининг, якка ўғил фарзанди бўлган. Ўғил беш ёшлигида кўчага чиқиб ўйнаб қулидаги бигиз билан сув ташувчиларини мешини орқасидан тешиб қочадиган қилиқ чиқазган. Кегин қизиқиб кетиб иккита бигиз олиб мешни икки томонидан иккита тешиб қочадиган бўлган. Сувини етказиб бераолмагандан сўнг мешчилар қозига мурожаат қилишган.

Сизни юзингиздан ўтиб айтолмаган эдик. Бир тешикни ёпиб улгурардик, сувни етказишга. Энди иккита тешикни ёполмай сувни етказаолмаяпмиз, оқиб тугаяпти, – дейишган. Қози ҳафа бўлиб уйга қайтади.

Хотинига қараб, – Мен тоза одам бўлсам, рўзғоримга ҳаром келтирмаган бўлсам, нега фарзандим бунақа ишни қи-

лади- деб хотинига болани килиғини айтиб беради.

Меи ҳам отаси тоза, гуноҳ иш қилган эмасман- деб хотини уйланиб қолади. Хотини бироз вақт ўтгандан кейин, Дадаси гунох менда эканку, эсладим, ҳомиладор бўлган вақтимда мехмонга борган эдик, шунда мезбонлар иш билан овора бўлиб менга эьтибор бермаган махалда хон тахтада турган анорни тешиб сурдим, яхши келмаганида, яна бита тешиб анорни сўргандим, -деб айтади.

**АТРИ ФОЖИАСИ**

1974 йил, куз, якшанба куни ёмгир томчилаб турипти. Мен район касалхонасида новбатчилигни қабул қилиб олган эдим. Новбатчилигини менга топширадиган ҳамкасбим, терапияда оғир бемор борлигини айтди. Бемор кеча кечда келган, кечаси гипертоник кризисга тушган. Мен биринчи бўлиб шу касални ёнига бордим. Эллик беш ёшлар чамасдаги оғирлиги юз эллик килорграмли бемор гипертоник кризисда хириллаб ётганини кўрдим.

Беморни тоғдан, Атри қишлоғидан келган. Ўзи юриб келган аммо кутўлмаганда кризисга тушиб қолган. Қилинган дори-дармонларни кўздан кечирдимда, -Қон қуйиш бўлимидан флакон келтиринглар, уч юз грамм қон чиқармасак бўлмайди, беморни гипертоник кризисдан чиқара олмаймиз, – дедим.

Уч юз миллилитирга яқин қонини олгандан кейн бемор ўзига келди.

–Мен олдин қамоқхонада ётканимда хам дорилар таьсир қилмас эди. Томиримдан қон олиб босимимни тушуришар эди, -деди узига келган бемор.

Мен касалхонани бошқа бўлимларини ҳам айланишга чиқиб кетдим. Бир неча бор хабар олдим, қон босими тушиб тинч ухлаётган экан. Кечаси соат ун бир яримда хамшира келиб, – Терапиядаги Атрилик бемор сизни чакираяпти, – деди.

Беморни ёнига келганимда, узр сураб дардини сўзлаб берди.

"Биз Атри қишлоғидан ун уч киши урушга кетиб, беш киши кайтдик, совуқларда қолиб хафталаб оч юрдик, мен урушда тўрт марта яраландим. Хуллас фашизим деган иллатдан Ватанни ва бутун дунёни озод қилиб қайтдик. 1952 йилда ғалаба байрами қишлоқда нишонланди. Ўшанда ўттиз қирқ хўжаликни бирлаштириб раис бўлиб урушдан қочиб қолган Ориф калта хали хам раис эди. Ғалаба билан қайтган беш аскар бошдан кечирганларини ва қилган қахрамонликлари ҳакида гапириб беришарди. Орифбой калта тўрда стулда ўтирганди, секин эгилиб ёнидагиларга эшитириб деди, – Сенлар урушда қахрамонлик килганларинда мен хотинларингизни....

Бу гаплари менга ва қолганларга хам эшитилди. Раисни тепиб кетишди. Аслида иблис курқоқ, чироғ билан ухлайдиган одам бахиллиги қўзғаб шу гапни айтганди. Райсни аранг аскарларни оёғини остидан, тепкилардан қутқариб олишди.

Бу воқеядан кегин, хар кайси аскар хотинларини қистовга олган. Мен хам хотинимни сўровга олдим. Ғаламис туш пайтида аёлларникига кирар экан, мен хам тушликда келсам дарвозани ёпиб танбалаб қўяр эдим, – деди хотиним. Райсни аскарлар қаерда кўришса урадиган бўлишди. Мен бориб ажратадиган бўлдим. Хафтада бир марта тушда уйимга райсни таклиф қилиб дераза олдига ўтқизардим. Иккаламиз ошхурлик қилиб, ароқ ичардик. Кейин мен ховлига чиқиб милтиқдан битта ўқ отар эдим. Шу кунлардан бирида милтиқни дераза томон мўлжалладим ва деразадан кўриниб турган Ориф калтани бошини орқасидан ўқ уздим. Ориф калта йиқилди. Кечаси бир халтага бошини ва қулларини, иккинчи халтада танасини, учинчи халтага оёкларини солдим.

Учта халтани отга осиб олиб Атри осма кўпригидан дарёга улоқтирдим. Осма кўприк дарёдан йигирма метр баланд эди. Ой ёруғида бир халта эски тол дарахти томирларидан хосил бўлган камарга кириб кетди. Икки уч кундан кегин Орифни қидира бошлашди. Тўрт аскарни гумон қилиб тергов қилишди. Бир ой ўтиб суд бўлди. Очиқ суд хам уч хафта чўзилди. Мен отга миниб бориб қараб турар эдим. Якуний суд бўлди ва тўрталасига йгирма йилдан хукм ўқилди. Милиция бошлиғи ўрнидан турдида, у хам уруш қатнашчиси эди. -Булар айбдор эмас, қани жасад, – деди.

Мен чидолмадим. Тўхтанглар, – дедим-да, от билан айланиб дарёга тушдим. Камардан, илашиб қолган халтани олиб келиб суд раисини олдига ташладимда, – Мен ўлдирдим, -

дедим. Халта ичида Ориф калтанинг боши ва иккита қўли бор эди.

Шунда мен йигирма йил қамалдим. Даволанай деб касал хонага келсам, Ориф калтани кўрдим, шунда хангу-манг бўлиб қолдим. Қон босимим бирдан кўтарилиб кетди.

Аслида Ориф калтанинг уғли врач бўлиб ишларди…

## ОХИРАТИ КУЙГАН

1975 йил райком биносига чақириб, – Ишлиқ қишлоғида уруш даврида колхоз райиси бўлган ва уни ўлганини айтиб ўн киши ва йигирмата пионерларни бориши кераклигини айтишди. Пазик автобусчасига ўнта катта одам ва йигирмата галстукли, ўн уч, ўн турт ёшлик боллар билан Ишлиқ қишлоғига бордик. Автобусдан тушганимизда қишлокда бирорта одамни кўчада кўрмадик. Жаноза ўқиладиган ҳовлига борганда ташқарда тўрта одам ва ичкарда туртбешта аёл бор эди. Болларни қўлига собиқ райсни орденмедалари тақилган ёстиқчалар беришди, олдиндан йигирмата бола орқадан ўн турт киши тобутни кўтариб қабристонга бордик. Қабристонда гўр ковланган, лекин гўрковлар йўқ эди. Биз ўзимиз жасатни кўмиб қайтик. Қишлоқа қайтканимизда, кўчаларида одамлар пайдо булди. Мен Фармацевтика институтини тугатган бир дўстимникига бордим. Мени уйига таклиф қилди. -Кирмайман, жанозадан келаяпман, нега қишлокдан одамлар жанозага чиқишмади? – деб сурадим. Уруш вактида эркакларни бир баракда, аёлларни бир баракда, болларни

бир баракда жойлаштириб, уйларига боришга рухсат бермай кечаю-кундуз ишлатган. Хуллас қишлоқда концлагер қилган. Урушдан кейин хам қахрамонлик оламан деб халқни жуда кийнаган. Ўлигинг кўчада қолсин, – деб халк жанозасига бормади, – деди.

## СЎНГГИ КУНЛАР

Еттинчи ноябрь. 1997 йил. Жума. Дадам стулда ўтириб, бироз пинак қилдиларда кегин дедилар, -. Уғлим, душанба куни эрталаб бешларда тайёр туринглар, шошиб қолманглар, ҳамма ҳамма ишларни босиқлик билан бажаринглар. Аёллар дод-вой қилмасинлар. Дунёга келиб, тангри берган умрда, инсонийлик бурчини бажариб ўтдим. Йигитлик бурчимни етти ярим йили ҳарбийда, унинг турт йилини жаҳон урушда утказдим. Дунё халқларини кул қилмоқчи бўлган фашистларнинг қирилишига уз ҳиссамни қўшдим, урушдан кейин ўзимни халқимга азоб бериб келаётган жиноий гуруҳларни йўқотишга киришдим. Ўзим ёлғиз фарзанд бўлганим учун тўққизта фарзандни катта қилдим. Бироз сукунатдан кегин, -Сен мени икки аёл ўртасига қўяяпсан, – деб уларни исмини ҳам айтдилар.

Шанба куни Сойиб бобо келиб анча суҳбат қилишди. Кейин мен Сойиб бобони кузатиб қўйяётганимда,– Дадам душанба куни тонг соат бешда тайёр бўлинглар, деб айтилар, – дедим. Якшанба куни тўққизинчи ноябрда Сойиб бобо ёсин ўқидилар. Дадам икки марта ҳамомга кирдилар-

да, соч ва соққоларини олдирдилар. Кечқурун мен ёнларида қолгандим. Кечаси ўн иккилардан кегин уйғониб, Ошқозоним оғрияпти, – дедилар. Мен игна санчиб дори юбдим. О қандоқ яхши, ўзимни жуда ҳам яхши ҳис қиляпман, – деб мен билан икки соат гаплашиб кейин ухлаб қолдилар. Мен ҳам ухлаб қолган эканман. Соат бешда укам мени, уйғотиб, -Дадам нафас олмаяптилар, тезроқ укол қилинг, – деди. Лекин нафас ва юрак тўхтаган эди. Э худо, бу энг даҳшатли кун. Мен етим бўлиб қолган кунимя. Юрагим, қалбим дод деяр эди. Жаноза! Қанчалик даҳшат, қанчалик оғир, оёғинг остида ер йўқ, нафас олай десам ҳаво йўқ. Кўзим очик, ёруғ, аммо калбда қоронғулик, ҳеч нарсани кўрмаяпман. Кўзда ёш ҳам келмай қолди, – Дод, -деб бақира олмайсан ҳам, аммо калбимдаги фарёд эса кўксимни ёриб юборай дейди, ва бутун вужудимни портлатай дейди.

Жаноза ўқилди, тахта отга солиб дадажонимни охирги марта дарвозадан чиқариб, сўнгги марта йўлга ва абадий тупроқдан ясалган, туйнуги йўқ, эшиги йўқ уйга қўямиз, уйлари устида қалин тупроғдан том ёпамиз.

Ўктам Аҳмаджон сўрупга хўралган отамизни қуруққинаиш ерга ётқизгани ва боши остига ёстиқ ўрнига кесак қўйилганини кўриб, -Мени тўнимни тўшанг, енгларини ёстиқ қилиб қўйинг, – деб додлади, аммо бу мумкин эмас эди.



(фото из личного архива)

Дадажоним олдиларидан кетким йўқ. Умримни охиригача дадажонимни абадий уйқуларини қўриқлаб туришга тайёрман. Ҳар тонгда қабрдан хабар оламиз. Э! Дунё! Ўша дадам исмини айтган аёлларни қабри икки ёнларида. Узр сўрадим, жаноза кун шошиб жой танладик, шу ер тозароқ қуруқроқ ва дарахт ости эди. Тўрт беш ой ўтиб, шом арафасида эшигим олдида бир капалак қўнди, кичик ўғлим шиппакни олиб урмоқчи бўлди, мен ушлаб қолдим, аммо тегди шекилли учиб кетди. Эрталаб ишга кетаётиб йўлда Гулсора синглимни кўрдим. Ака, – деди синглим, – тушимда, дадам сизникидан чикиб кетдилар, ўнг елкаларида оёқ кийм изи бор эди, нима экан бу?

Кечаги воқеани синглимга айтиб бердим. Болада тушунмайди, – деб қўйди синглим. Дадажон узр, болларимга ўргатмаган эканман, – дедим. Дадам ўлганларидан кейин, деярли ҳар куни боболар тушимга кирар эдилар. Қадимий баланд миноралар, ер остида пишиқ ғиштдан ишланган йўллар, қадимий сағанали қабрлар. Устиларида бухорий тўнлар, чап ёнларида осилган қилич ва салла боғлаган боболар тушимга кирар эдилар.



(фото из свободного ресур)

Дадам ўн икки ёшда, онам беш ёшда етим қолганлар. Мен улардан боболарим, бувиларим қабирлари ҳақида сўрамаган эканман. Онажонимга кўрган тушларимни айтиб берганимда.– Тушингизга кирган боболарни бири дадангизни дадалари, МирзоТурсун бобо, бирлари дадангизни боболари, – Хакимбек Мирзо, – дедилар онам. Қабр тошга боболаринг исмини ёзсанг аждодлар руҳлари тинчланади, дедилар. Кегин билсам бу минорали қабристон Бухородан экан. Дадамни қабр тошларига отларини ва боболарининг исмларини

қўшиб ёздирдим, шундан сўнг бу боболар тушимга кирмай қўйишди.

## ЖОСУС ИЛЛИАДИ

1977 йилдан мен вилоят болалар касалхонасида ишлардим. Иллиади Ғузор райони РТСда бошлиқ эди. Халқ Иллиядини жосус деб гапириб юришар эди. Кейин Иллиадини Муборак горкомининг биринчи котиби лавозимига тайнлангандан сўнг давлат қулашига оз қолипди-да, деб хулоса қилдим. Бироз утиб Илиади Қарши шаҳрининг гаркомини биринчи котиби бўлди. Навбатчилигимда саккиз ёшлик қизчани операция қилдим, операциядан чиққанимдан сўнг бу рус аёл ҳаммани ҳақорат қилиб турган экан. Бу ўша операция бўлган қизчанинг онаси. Мен бу хотинни жанжал қилгани учун чиқариб юбордим. Эртаси кунида бош врач мени чақириб, –Гаркомдан Иллиади сизни сўради, тез борар экансиз, – деди. Горкомга борганимда кечаги рус аёли котиба экан, мени кўрган заҳоти Иллиади олдига кириб чиқдида, менга қараб , -Заходи, -деди. Раҳмат тебе, – дедимда, Иллиади олдига кирдим ва биринчи марта жосуснинг кўзларига термилиб турдим. Ты почему обижаешь гаркомских работников, – деди Иллиади сансираб. Мен ҳам тикилиб кўзларига қарадимда сансираб,– Ты сам правильно воспитывай своих сотрудниц, – дедим. Ладно идите, – деди Иллиади. Уч, тўрт ойдан кейин Экономическая газетада

“ О себе” деган Иллиадининг мақоласи чиқди, унда у

хотини Қримда туғилгани, экономик дипломга эгалигини, ўзи ҳақида РТСда бошлиқ бўлганидан бошлаб ёзилган эди. 1988 йилда "Известие" газетасига бир мақола сифатида собиқ Қарши гаркомини биринчи котиби Иллиади Туркия жосуси, Эрон чегарасида ушланганлиги ёзилган эди.

Қулга тушмаган яна қанча жосуслар лавозимлардалигини ҳаёт кўрсатди. Улар халқимга дўстлик ва Ватанимга садоқат қилма- дилар.

## АНВАР СОАТОВ ҲИКОЯСИ

Юрий Андропов Генсек бўлганидан кейин крайком ва обком биринчи секретарларини чақиртириб, суҳбатдан утказар эди. Навбат Қашқадарёга келганда, область партия комитетининг иккинчи секретари Головачов, область ижройи қумитасининг раиси Анвар Соатов, Қаршистройиндустриянинг бошқармаси бошлиғи Чегибаевни чақирди. Бир кун олдин улар Москвага етиб бориб, Головачовни уч хонали хонадонида дам олишди. Головачовни ушанда, – "отец коррупции"– дейишарди. Эртаси кун соат 10:45 да Кремелни колонали залига кириб келгандик. Андропов қабул қиладиган хонанинг олдида олти етти киши турибди. Биз, Қашкадарё область раҳбарлари келдик,– деганди Головачов, сизларни соат 11:00 чақиришган, ҳали ўн беш минут бор, чиқинглар, – дейишди. Улар чиқиб 11:00 да қабулга келишди. Устиларидаги пальтоларини ечишди. Головачовни костюмида тақилган орден ва медаллар, социастик мусобақада значоклари билан

тўлган.

Снимите железки, – деди эшикда турган одам. Головачовнинг кастюмидаги ордену медалларини ва значокларини ечишни бошладик, кўпларини узиб олишдида ва қул рўмолчага тугиб Андропов ҳузурига киритишди. Биринчи Головачов кетидан Соатов, учинчи бўлиб Чигибаев кириб эшик олдида тўхтаб қо- лишди. Андроповга кирганларни фамилиялари ўқиб берилди. С.С.С.Р.ни шунда бош прокурори Қашкадарёдаги припискалар миқдори, иқтисодий жаҳолатлар, очилмаган жиноятлар сони, халқдан келинган мурожатларнинг жовобсиз қолганларининг сони, қонунлар бўзилишлари ва ҳакозаларни ўқиб беришди. Бизларни бу жиноятлар учун отишса керак деб ўйлади Соатов.

Андропов,-Менга қолса маънавий бузуқ раҳбарларни отардим, – деганида, бутун баданидан совуқ терни оқадиганини сезди.

Андропов, – Сенларга олти соат вақт, иш жойларингга етиб боришга, уч ой муҳлат, барча камчиликларингни тузатишга, йўқса туқиз грам қурғошиндан кукрагингизга нишон тақаман, -деб кетишимизни айтди.

Биринчи Чегебаев, кетидан мен чиқаётганда, мени Голавачёв орқамдан тортарди. Тирик чиқаётганимизга шукур қилмасдан нима демоқчи бу одам, -деб уйлаб орқамга қарадим. Голавачёв ҳолсизланиб менга осилиб колганди. Мен суяб олиб чиқдим.

Етти соатдан кегин ҳаммамиз ўз кабинетларимизда ўти-

рардик,

–дея суҳбатини якунлади Соатов.

***

ЁҚТИРМАЙДИЛАР

Ёқтирмайдилар инсонлар асли бўларни,
Ота онага, қариндошга меҳри йўқларни,
Устоз, муалимни ҳурмат қилмаганларни,
Олди, орқадан хар ҳил сўзлаганларни,
Бир масалада икки ҳил гапирганларни,
Сўз бериб ўз сўзига турмаганларни,
Бир ишни ҳўп дея бажармаганни,
Бой ва мансабдорга малай бўлганни,
Виждонли инсонни ғийбат қилганни.
Одамлар орасига низо солганни,
Ўзидан кучсизга кучин кўрсатиб,
Кучлийнинг оёғин ўпиб юрганни.
Халқидан юлиб бой бўлганларни,
Меҳнаткаш, деҳқонни менсимаганни.
Ҳаётда тулки сифатда яшаганларни,
Оддий одамийлиги бўлмаганларни.

***

ПАРВОНАЛАР.

У отда қизил духобали эгар устида,
Мағрур ва виқор билан ўтирганида,

Нигоҳларин қаратиб турар осмонга.
Ахамиятсиз атрофдаги парвоналарга.
Раҳмим келарди шунда улар ҳолига.
Парвоналар қарамас қувганларинга,
Эътиборсиз улар уни сўкканларига.
Барибир талпинишар унинг ёнига.
Бири эгилганди, қуллар кўксида,
Бири нозликдаю ҳам пардозликда,
Отнинг устидагига парвоналикда,
Талабини тайёр улар бажаришга,
Салла деса бошни ҳам олиб келишга.
Тайёрлар ўзларини тақдим этишга.
Нафратда раҳмим келди бўларга.
Отдан ва эгардан тушган кунида,
Парвоналарсиз қолганди шунда.
Одамийлик йўлига у кирмагандида,
Термуларди олисланган павоналарга,
Мухтож бўлди уларни бир донасига.
Ғазабим ва раҳмим келди бўларга.
Парвоналар ўчмоқда от атрофида ,
Отнинг янги эгасини улар кутмоқда.
Фақат сариқ эди дўхоба эгар ўстида,
Уша ман манлик бор янги отликда.
Парвоналар эса яна парвоналикда,
Қанчалар паст бўлар қнсқа ҳаётда.
Нафратим ва раҳмим келди уларга.

***

Келишмаганман…
Ҳеч келишмадингизда у билан,-
Деди менга ҳамкасбим Ҳўсан.
“Халқдан юлган муттаҳамлардан,
Пораҳур, ўғри, маддоҳийлардан,
Очкуз, амалпараст, ҳассислардан,
Халқига садоқат қилмаганлардан,
Мансабда виждонни йўқотганлардан,
Ахлоқсизликда бойлик тўплаганлардан,
Мансабдорга ва бойга бошларин эгиб,
Меҳнаткашни ҳурмат қилмаганлардан,
Ҳамкасбини ютуғини куролмагандан.
Ҳаётда тулкисифатда яшаганлардан,
Бақаламунлар билан келишмаганман.
Келишсам улардек пастда бўларман.

Тўрфа олам.
Инсоният экан бир тўрфа олам..
Бири доно покиза хақиқий инсон,
Ҳаммага намуна, қалбида виждон,
Халқи учун доимо бўлади қалқон.
Бири маймун сифатда умр утказиб,
Яшар ақл ахлоқдан йроқда бўлиб.
Бири эса шоқол каби ўзини тўтиб,
Кучлини оёғи орасида юрар гердаиб,

Ўзини бошқалардан юқори билиб.
Бири тулкиликда айёрлик қилиб,
Инсонларни алдар кўпга тўшириб.
Бири каламушликда, яратган иблис,
Ўғри муттаҳам, юлғич ва ҳамда хасис.
Бири илон каби ерда пойлаб ётади,
Захар сочишга инсонга тайёр тўради.
Бири лочин, юксакда парвоз қилади,
Баланд тоза қояларда инни қўради.
Ҳаётни софликда яшаб мағрур утади.
Улаксахур йқилишни пойлаб тўради,
Ётиб қолганни кўрса чўқий бошлайди.
Э инсон диққат билан қараганингда,
Ухшаб кетар одамдар турфа оламга.
***
Ҳаётда шошилманг асло…
Ҳаёт карвонида шошилманг асло,
Балки ерда пиёда ёки учиб самода,
Карвонда отда сиз ё балки уловда,
Сокин юригизда шошилманг асло .
Бироз тўхтанг ҳаёт деган бекатда,
Назар солингиз бир дам оламга, Тўғри бахо беринг унинг ҳолига..
Бироз тўхтаб адолат деган бекатга,
Эътибор қилингиз бор микдорига.
Сероб бўлса олинг бир ҳовуч ундан,

Кам бўлса қўшинг сиз ўзингиздан.
Бироз тухтаб бекатнинг хақиқатига,
Кўринг лойиқми оллохни у талабига.
Мехр оқибатга хам сиз тўхтаб утинг,
Инсонларда унинг миқдорин билинг.
Кам бўлса беринг кўп булса олинг,
Мухтож бўлганларга уни улашинг.
Тухтанг виждон имон деган бекатга,
Эътиборли бўлингиз унинг холига.
Кегин тўхтаб қонун деган бекатга,
Бирлигин кўринг уни шоху гадога.
Пўл деган бекатга тўхтамай утинг,
Курасиз қадриятни унда йўқлигин.
Мансаб бекатидан сиз учиб утинг,
Нуқтаси унда йўқ одамийликнинг.
Америка дейдилар сехирли диёр,
Тўғри, унда чунки қонун устувор,
Сирли томонлари унда хам бисёр,
Қадим Турондаги эзгулик одат,
Уч минг йиллик йўқдир қадрият,
Имон этиқод хамда мехр оқибат,
Сехирли диёрда топмайсиз излаб.
Бойлик қиймати инсонинг фақат.
Пул атрофида ку хамма шайтанат.
Инсон инсон бўлар одамийликда,
Тозаликда, покликда, оқибатликда,

Эзгу сўзлик, эзгу ният, эзгу амалда.
Инсонни яратгандир тангри аслида,
Оламни сақла,– деб,-Доим покликда.
***

Инсон билан иблисни таққослаганда,
Инсон яхшилик қилиб қувонар экан,
Яхши қушиқ эшитиб рохатланаркан,
Донолар сўҳбатидан ором олар экан,
Пок меҳнатдан инсон завқланар экан.
Иблисни боласига бўлар бегона экан,
Пора олмаган кун унга мусибат экан,
Ёмонлик қилмаган кун қайғули экан,
Инсон ҳақини емаса муртад бўларкан.
Одамлар қувонганда у ғамга ботаркан,
Яхши қушик эшитиб мурда бўларкан.
***
Келинларга.
Ҳар бир оила кичик бир давлат,
Ўзининг қонуни бор битта салтанат,
Ўзгача йўлларию ва қир адирлари,
Ўзининг булоғию ва ариқ сойлари.
Келин ўргангин сен бу йўларини.
Хар бир оила кичик бир давлат,
Ўзгача улардаги қонун қадрият,

**Ўзгача турмуш тарзи ва маданият.**
**Оилада ишлатган бадий сўздари,**
**Фақат уларга ҳос муомилалари.**
**Келин сен ҳам урган буларни.**
**Хар бир оила кичик бир давлат,**
**Ўзгача мехр, оқибат, муносабат.**
**Улар орасидаги узаро ҳурмат,**
**Бир бирларига бўлган садоқат,**
**Хар бир ишда дид ва фаросат.**
**Келин шуларни қонун қил албат.**
**Шунда келин сен баҳтли бўласан,**
**Қизлари қаторида доим турасан.**
**Эҳтиёт бўл муллони ахмоқ гапидан,**
**Оилани ғаниминиң қора сўзидан,**
**Қулоқ солсанг ахмоқликда қоласан,**
**Ўз ҳаётингни ўзинг дузах қиласан.**
**Хар оиладир кичик бир давлат,**
**Ўз ҳаёт қонунпари булади албат.**
**Қайнота қайнонангни ҳурматлаб,**
**Тортинмагин кирларини ювишдан,**
**Ковушларин ювиб артиб қўйишдан,**
**Тушакларин тўшаб кегин йғишдан.**
**Кам бўлмайсан шунда ҳурматдан.**
**Наслни обруйни сақлаганингдан,**
**Раҳматни оларсан аждодлариндан,**
**Савобга тўлдириб авлодингни сан,**

**Қадрда ва ҳурматда яшаб ўтарсан.**

**ҚАЛБ ОҒРИҒИ..**

**Қалб оғриғи юрагингга чандиқ бўларкан,
Буни вақт даволайди деб айтилар экан.
Ота онангни яқинингни йўқотиб қўйсанг,
Бир умрга қалбингга оғриқ қоларкан.
Бу оғриққа бу дунёда даво йўқ экан.
Вақт сени бу оғриққа куниктираркан.
Ота онангни якинларни эслаганингда,
Тўшда кўриб уларни ўйқинг қочғанда,
Қалбингдаги оғриқларинг кўчаяр экан.
Сочларингда бир куни оқ оралаганда,
Юзингда ажинлар чизиқ тортганда ,
Бел ва оёқларингдан мадор кетганда,
Қалбингдаги оғриқлар кўчаяр экан.
Ота онангни яқинларни эслатиб шунда
Нурсиз кўзларинга ёш келтираркан.
Вақт хар нарсага даво дерканлар,
Даво бўлмас экан, куникаркансан.
Инсон бу оғриққа чидаб яшаркан,
Удунёда улар васлин орзу қиларкан.**

*******

**Бўлганда ҳам сени молу давлатинг хаддан зиёда,
Мансабда тўтиб ўзинг худодан беш кунлик катта,
Бўлмасанг покликда, аҳлоқда ва одамийликда,**

**Нархинг бўлар халқ олдида қиммат бир тийнга.**

*******

**Она нидоси**

**Ярим ғишлар чиқиб қолса теппага,**
**Бўтун ғишлар чўкиб қолади пастга.**
**Ор номус ҳаё бўлмас яримталарга,**
**Садоқати ҳам бўлмас халқа Ватанга,**
**Ярим ғиштлар чиқиб қолса теппага.**
**Виждон ва иймон йўқдир уларда,**
**Покликдан ҳам улар доим йироқда.**
**Яхшилик кўтмангиз улар даврида,**
**Яримта ғиштлар чиқса теппага.**
**Пораҳўрлик ҳам бўлар авжида,**
**Қонунларга тортилар парда,**
**Ночорлар қоларлар ўзи кунида,**
**Яримта ғиштлар чиқса теппага.**
**Ақл идроқда ҳам улар яримта,**
**Одамийликни кўрмай уларда,**
**Овора бўларсиз бўндай ҳаётда,**
**Яримта ғиштлар чиқса теппага.**
**Илм маданият қулаб бу кунда,**
**Мехр ва оқибатни йўқолганида,**
**Афсусла боқасиз шунда ҳаётга,    Я Ярим ғиштлар чиқса теппага.**
**Яримталар тўймас бойликка,**
**Мансаб талашиб юрганларида,**

**Астафурулло дейсиз сиз шунда,**
**Уларни курибо доим пастликда,**
**Минг афсуслар дейсиз бу кунда,**
**Яримта ғиштлар чиқса теппага.**
*******

**ЕРГА ҚАРАТМАНГ.**

**Юзини ерга қаратманг авлодингизни,**
**Тоза ва покликда тўтинг ҳаётингизни.**
**Кўрдингизку қанча гадо шоҳлрни,**
**Ҳаётида қилишиб нопок ишларни,**
**Кўйдириб кетганлар авлодларини.**
**Бой бўлай деб тукманг иззатингизни,**
**Ҳам мансаб талашиб обругингизни,**
**Рисқига ҳиёнат қилмангиз халқни,**
**Ўғри пораҳур деган олмангиз номни.**
**Жирканмасин халқ ҳаром бойлигингздан,**
**Мансабчада қилган нопок ишларингиздан.**
**Бошини эгдирмангиз авлодингизни.**
**Ота ё бобони айтишса нопоклигини,**
**Йўллари ёпилар хар бир фарзандни.**
**Қийналар виждони ва эзилар қалби,**
**Сен учун бўлар унга ҳаётнинг зарби.**
**Шўни дейдилар,-урди отанинг касри.**

**МУНДАРИЖА**

Одамий-

лик……………………………………………………
2
Спитаман поэ-
ма…………………………………………………4
Эхром-
лар…………………………………………………...
Инсоний-
лик……………………………………………………
49
Кифтиоб ……………………………………..
………………… 50
Яшагин яхшиси булиб……………………..
…………………52
Кексамуа-
лим.........................................................................1
Машрабни Балҳ-
да………………………………….……….111
Насимийдан қўркди-
лар……………………………………….112
Оллоҳни алдама
сан………………………………………….112
Қайта ярат-
ган………………………………………………11
Нока-
стлар…………………………………..………
…………114

Эътибор қилинг ………………………………………………………113
Инсон бўлсанг………………………………………………………1
Ўз қулимизда………………………………………………………113
Ўтиб кетади ………………………………………………………114
Юлдуз&шам………………………………………………………114
Тангри паноҳидагилар………………………………………115
Оддий бахт………………………………………………………
Каламуш………………………………………………………
Кимлар янги бойлар? ………………………………………118
Асраймиз………………………………………………………
Чўккан………………………………………………………
лишар ҳалак ………………………………………………122

Покланиб қил ибодатингни……………………………122
Дўстим…………………………………………………
Аёлга хам…………………………………………………
123
Келин қилманг……………………………………..……
125
Охират…………………………………………………
Китобхонлик……………………….
…………………………129
Чопиб кетарди бола………………………………………131
Тўйда…………………………………………………
132
Отдошим…………………………………………………
Қайнона…………………………………………………
135
Наслингизни бузманг…………………………………138

Махмуд ахмади……………………………………….139
Андропов&Тетчер…………………………………140
Кўҳинур………………………………………………
142
Ким ташлаб кетади ватанни? ………………
…………………………….145
Сталин…………………………………………………
Қабрингизга…………………………………………..15
Горбачёв………………………………………………
Гитлер…………………………………………………
Агела меркел
……………………………………………..157
Доно шоҳ………………………………………………
158
Тарихга тош отма…………………………………163
Яратган инсонни…………………………………….167

Ўзбе-
гим…………………………………………………………
168
Тангри ғаза-
би………………………………………………………171
Пул чури-
си…………………………………………………………1
Фарзандингиз доно бўл-
син………………………………………172
Хайкалга тег-
ма………………………………………………………
173
Яхшилик кут-
ди……………………………………………………173
Инсон елкаси-
да……………………………………………………174
Ке-
лин…………………………………………………………
174
Дўстлар риво-
ят……………………………………………………177
Оқибат қа-
ни?..........................................................................1
Рух-
лар.................................................................................
178

Ўзбегим кишлоқлари……………………………………179
Капалак……………………………………………………180
Яшаган инсон……………………………………………18
Кимлар булар? ……………………………………186
Адашган……………………………………………………
Хайкал………………………………………………………
Ота юзига……………………………………………………188
Турналар ……………………………………………………189
Онажоним……………………………………………………190
Ойхоламга хотира…………………………………………191
Нурмухаммадникига тўйга борсангиз……………………193

Хофиз-
га………………………………………………………
193
Соғинч… ……………………………………………..193
Набирам Элёр-
га……………………………………………………195
Набирам Шахзода-
га……………………………………………196
Набирам Мирзосултон-
га…………..……………………197 Набирам
Ракшона-
га………………………………………………198
Набирам Сафияхонга ……………………..
…………………………………198
Набирам Саидазим Мирзо-
га……………..………………………..199 Набирам
Хазратали Мирзо-
га………………………………………200
Набирам Ардашер Мирзо-
га…………...…………………………201
Фарҳод махкамович-
га………………………………………………201
Хамза Хакимовичга
………………………………………………202
Хуршид Фозиловга……………………..

……………203
Укахоним Ғиёсга………………….………..
…………………………..204
Йўловчилар ……………………………..
………………………………206
Ёнида бўлгин ота онанг-ни……………………………………209
Дадажо-ним………………………………………………….
Усмон Чиноз-га…………………..……………………………217
Жиянларим Мирзо Дилшод ва Мирзо Адҳам хожига ………………217
Саттор Рахмат-га………………..……………………..………218
Ғафур Каримов-га…………………………………………….…219
Усмон Юсуф-га………………….…..……………………………220
Йўлдош Қараев-га…….………………………………………..222
Атамбаевга………….……………….
…………………………………222
Хуррам Қобуловни эслаб……………………
…………………………..222
Абдулло Элмуродовни эс-

лаб……………………….……………………224
Тожиддин Муродовга…………………………………………..226
Сирожхон дўстимни эслаб…………………………………………227
Дадажон Қаламбоевни эслаб……………........…………….228
Абу Хайит ибн қурбон ибн Абдирасул ал Ҳилолий……………………229
Неъматхон Раимов хотирасига………………………..
…………..……..231
Наслида
булғай…………………………………….………..
….234
Мангу аъмол (Абдулла Элмуродов)……………………………..……235
Шох ва этикдуз…………………………
……………..…..235
Икки мамлакат……………………………...………………….237
Нега? ………………………………………..
………………..239
Навруз тарихи …..
……………………………………………………241
Авесто ва дафн маросими
…………………………………………243

Как улучшить генафон нации……………………………….244
Ўтмишдан садо………………………………….……………….248
Йўлдош оҳунбобоев 1942 йил……………………………….249
Фариштa аёл………………………………………………………….2
Менинг азиз устозим…………………………….. …………251
Офат……………………………………. …………….…….252
Улуғ инсон……………………………………………..……. …254
Ривоят……………………………………. ………………..256 Шатри фожиаси…………………………..……………….....257
Охирати куйган………………………………………………. 260
Сўнгги кунлар………………………………………..……….26
Жосус иллиади…………………………………………..……. 265

Анвар соатов ҳикояси……………………………………266
Ёқтирмайдилар.........................................................................268
Парвоналар ...............................................................................
Келишмаганман .......................................................................269

Нашрга тайёрловчи Шахзода Сафари.
Суратларни муалифи Узбекистон журналислар уюшмаси азоси.
Бадий сурат устаси- Абдиазиз Холиқов.
Мухаррир – Азизбек Абдуллаев.
Муҳаррир – Сардора Рахмонова.
Расимларни танлаш. Компютер редактори –
Ҳазратали Турсунов.

Адади 5000 нусха.

19. 12. 2019йил.

Мудрец индус спросил Сескандера,-
Так звали в Индии царя Искандера.
В чём отличие людей от дикого зверя?
Отличаются умом,-ответ был царя.

Мудрец сказал,– А разница в том,
Что дикие звери, звериным умом,
Не выберут идиота своим Важаком.
Как тебя македонцы избрали царём.
***
Давр келса бир чивиннинг бошига,
Семург қуш ҳам таъзим қилар қошига.
Мажбур чидаб бу тақдирнинг тошига,
Маймунлар йиғлар бундай ҳаёт ҳолига.
***
Қонхур чивин келса бир мамлакат бошига,
Ўлаксахўр парвонадир чивиннинг атрофига.
Адолат, виждон, ақл, ор номус йўқлигига,
Тангри хам ожиздир жонзотлар мушкулига.
***
Инсон билан иблисни taққослаганда,
Инсон яхшилик қилиб қувонар экан,
Яхши қушиқ эшитиб рохатланаркан,
Донолар сўҳбатидан завқланар экан,
Пок меҳнатдан инсон ором оларкан.
Иблисни боласига бўлар бегона экан,
Пора олмаган кун унга мусибат экан,
Ёмонлик қилмаган кун қайғули экан,
Нарҳни кўтариб сотмаса ҳаста бўларкан,
Инсон ҳақини емаганда муртад бўларкан.
Яхши куй қушик эшитса мурда бўларкан.

Инсонлар қувонса иблис ғамга ботаркан.
***

Биринчи ахмоқликни тарқатган фиръавинлар,
Бутўн умр очкўзликда бойлик йғиб утканлар,
Ўзларига қушиб ҳам бойликларин кўмганлар.
Дея,– Бу пастликни минг йилларда кўрсинлар.